

КОИСА стипендияси

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2022-йил 26-апрелдаги №05-45-03825 хати ҳамда Корея халқаро ҳамкорлик агентлигининг (КОИСА) маълумотига кўра, 2022-ўқув йилида Корея университетларининг магистратурага (қўшимча қабул) ва докторантурага стипендия танловлари еълон қилинган. Номзодлар республика ОТМлари ўқитувчилари, илмий ходимлари қаторидан, 2 йил иш стажга ега бўлишлари ва муайян талабларга жавоб беришлари лозим. Ушбу танловда (ФАҚАТ МАГИСТРАТУРА ва ДОКТОРАНТУРА) иштирок етиш учун тўлдирилган аризаларни тавсия етаётган ОТМнинг ректори имзоси қўйилган расмий хати билан ва барча зарур ҳужжатларни илова қилинган ҳолда, 2022-йил 5-май, 12.00 дан кечиктирилмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг a.rakhmonov@mift.uz (нусхаси - xab@edu.uz) электрон манзилига тақдим етишингизни сўраймиз. Юборилаётган файл “КОИСА стипендияси” деб номланиши керак. Батафсил маълумот, шартлар ва зарур ҳужжатлар рўйхати илова қилинмоқда. Шунингдек, мазкур стипендия танлови тўғрисидаги маълумот билан КОИСанинг расмий сайтида танишиш мумкин: <http://www.koica.go.kr/ciat/7815/subview.do>.